

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 10

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 10 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Фарманова Гулнара Комилевна*  
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО  
СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА ..... 9-18

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ  
ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР  
БОШИ) ..... 19-26

*Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*  
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ  
УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ ..... 27-34

*Mirsoatova Sayyora Turg'unovna*  
MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR ..... 35-39

*Янгибоева Дилноза Ўктамовна*  
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ФАОЛИЯТИ ..... 40-48

*Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*  
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРФОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ..... 49-53

*Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*  
O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI ..... 54-58

*Ergasheva Bahridil G'olibjonovna*  
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA  
DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSIOLOGIK TAHLIL) ..... 59-65

*Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*  
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ..... 66-74

*Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*  
XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA  
ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) ..... 75-80

*Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*  
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ  
ТАРИХИГА БИР НАЗАР ..... 81-86

### 8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Boltayev Nurali Shiramatovich*  
AGRAR OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING  
BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ..... 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i> РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ .....	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i> TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI .....	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ixomjon o'g'li</i> DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH .....	116-121
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> АКАДЕМИК ИБРОҶИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ .....	122-128
<i>Talabov Baxriddin Alijanovich</i> KONSTITUTIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA .....	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i> JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI .....	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i> РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН ....	141-147
<i>То'хтайев Hakim Primovich</i> TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON VO'LISH XUSUSIYATLARI .....	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ .....	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИЩДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	161-165
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i> GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOYIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) .....	166-171
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i> MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI .....	172-179
<b>10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	

<i>Халметова Меҳрибону Гайратжонова</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ .....	180-186
<i>Abdijabbor Amanov</i> MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	187-194
<i>Umarova Xurshida Zikiryoхonovna</i> AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI .....	195-203
<i>Odinayev Bekqul Imamqulovich</i> LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN .....	204-210
<i>Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev</i> "DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR"DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR QIYOSI .....	211-217
<i>Saidov Akmal Azimovich</i> "TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH .....	218-224
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI .....	225-231
<i>Жўраев Дилмурот Мухторович</i> МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР .....	232-240
<i>Эшонхонов Камолхон Маматхонович</i> БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	241-246
<i>Бўриев Одил Қобилович</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР .....	247-253
<b>13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li</i> "ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING MAVJUD HOLATI .....	254-259
<i>Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола</i> ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ.....	260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI .....	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI .....	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i> РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ .....	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i> KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI .....	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH .....	299-303
<i>Robiya Mannopova</i> INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i> REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i> TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i> IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI .....	323-328



07.00.00 – Тарих фанлари

**Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли**  
Тарих институти таянч докторанти  
Email: [Klavaho@mail.ru](mailto:Klavaho@mail.ru)

### **МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**Аннотация.** Мазкур мақолада миграция жараёнлари, хусусан, ташқи меҳнат миграциясининг келиб чиқиш сабабларини акс эттирувчи илмий-назарий ёндашувлар ўрганилган. Меҳнат миграцияси иқтисодий тушунча бўлишига қарамай, уни келтириб чиқарувчи омиллар бошқа соҳа вакилларининг илмий ёндашувлари асосида ҳам таҳлил қилиб ўтилган. Зеро, меҳнат миграцияси аксарият ҳолатларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг маҳсули ҳисобланади. Шунингдек, мақолада меҳнат миграцияси муаммоларини бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** миграция, меҳнат миграцияси, ноқонуний миграция, халқаро мигрантлар, меҳнат мигранти, илмий ёндашув, назария.

**Abdukhamidov Islombek Abdukhalim ugli**  
Phd student of the Institute of History

### **SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES IN THE STUDY OF LABOR MIGRATION**

**Abstract.** In this article, migration processes, in particular, scientific-theoretical approaches reflecting the causes of foreign labor migration are studied. Despite the fact that labor migration is an economic concept, the factors causing it have been analyzed based on the scientific approaches of representatives of other fields. After all, labor migration is in most cases a product of socio-economic processes. Also, the article puts forward proposals and recommendations to eliminate the problems of labor migration.

**Key words:** migration, labor migration, illegal migration, international migrants, labor migrant, scientific approach, theory.

**Абдухамидов Исломбек Абдухалим угли**  
Докторант Института истории

### **НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ В ИЗУЧЕНИИ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ**

**Аннотация.** В данной статье исследуются миграционные процессы, в частности научно-теоретические подходы, отражающие причины внешней трудовой миграции. Несмотря на то, что трудовая миграция является экономическим понятием, факторы, вызывающие ее, проанализированы на основе научных подходов представителей других сфер. Ведь трудовая миграция в большинстве случаев является продуктом социально-экономических процессов. Также в статье выдвигаются предложения и рекомендации по устранению проблем трудовой миграции.

**Ключевые слова:** миграция, трудовая миграция, нелегальная миграция, международные мигранты, трудовой мигрант, научный подход, теория.


DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N09>

**Кириш.** Миграция узоқ тарихга эга бўлиб, инсоният тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Ер юзидаги деярли барча одамлар маълум маънода мигрант ҳисобланади [10; Б.9.]. Буюк музлик даврида одамзод илк аждодларининг иссиқ минтақаларга қўчиши шунингдек, илк ўрта асрларда юз берган халқларнинг буюк қўчиши каби жараёнлар бунга яққол тарихий мисолдир.

“Миграция” атамаси латинча “migratio” сўзидан олинган бўлиб, аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қўчиши ёки қўчириш маъноларини билдиради [20; Б.588-589.].

Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, миграция масаласи кенг қамровга эга бўлганлиги сабабли бугунги кунга қадар унинг кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинган универсал тарифи мавжуд эмас.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра сўнги чорак аср давомида халқаро мигрантлар сони мунтазам ортиб борган. Хусусан, 1990 йилда халқаро мигрантлар сони 154,2 млн. (дунё аҳолисининг 2,8 фоизи) кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб эса уларнинг сони 280,6 млн. (дунё аҳолисининг 3,6 фоизи) кишига етган [6; Б.24.]. Халқаро мигрантларнинг катта қисми АҚШ, Европа, Осиё ва Шимолий Америка мамлакатлари ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг 48 фоизини меҳнаткаш-мигрантлар ташкил этади [6; Б.3.].



Халқаро мигрантларнинг катта қисми АҚШ, Европа, Осиё ва Шимолий Америка мамлакатлари ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг 48 фоизини меҳнат мигрантларидир.

XX аср охири ва XXI аср бошларида халқаро меҳнат миграцияси оқимларининг тобора кенгайиб бориши ортидан унинг муаммоларини ҳал этиш ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мазкур даврга келиб халқаро меҳнат миграцияси оқимларининг тобора кенгайиб боришига қуйидагиларни сабаб сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Биринчидан, саноати ривожланган давлатлардаги кескин демографик вазият меҳнат бозорида баъзи номутаносибликларни юзага келтирмоқда. Натижада, аксарият

саноати ривожланган давлатларида меҳнат мигрантларига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Иккинчидан, умр давомийлигининг узайиши, туғилишнинг камайиши ва нафақа тўловлари саноати ривожланган мамлакатлар бюджетига оғир юк бўлиб тушмоқда. Меҳнат мигрантларидан тушадиган солиқ даромадлари кексалар улуши кўп бўлган давлатларда солиқ юки енгиллаштиришга хизмат қилади.

Учинчидан, дунёнинг кўп мамлакатлари сиёсий тизимидаги ўзгаришлар иқтисодий тузилмаларнинг қайта қурилишига олиб келади, бунинг натижасида эса ишсизлик ҳам юзага келади.

Глобаллашув шароитида барқарорликни таъминлаш учун меҳнат миграциясининг иқтисодий аҳамияти ошиб бормоқда. Лекин шу билан бирга ташқи меҳнат миграцияси натижасида жамиятларда бир қатор салбий ҳолатларнинг шаклланаётганлигини ҳам этибордан четда қолдирмаслик лозим. Жумладан, меҳнат мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, миграциянинг салбий таъсиридан, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш шунингдек, жамиятдаги миллий аънаналарни миграциянинг салбий таъсири каби масалалар шулар жумласидандир.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз олими Э.Г.Равенштейн биринчилардан бўлиб аҳоли миграциясининг назарий асосларини ишлаб чиқди. У томонидан ишлаб чиқилган “Миграция қонунлари” [4] келгуси тадқиқотлар учун катта туртки бўлган.

XX асрнинг 60-йилларда франциялик олим, Е.Ли миграцияни келтириб чиқарувчи омилларини “тортувчи” ва “сурувчи” қисмларга ажратиб таҳлил қилган [3]. Шунингдек, А.Ричмонд [5], С.Кастлес ва М.Миллер [1] каби тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам миграция жараёнлари икки хил категория асосида таҳлил қилинган.

Рус олимларидан, В.А.Ионцев [9], В.В.Покшишевский [16] ва О.Д.Воробьев [8] халқаро миграция жараёнларига тушунтириш бериб, миграциянинг замонавий илмий йўналишларини ёритишга ҳаракат қилганлар.

Аҳоли миграцияси, хусусан меҳнат миграцияси борасидаги илмий-назарий ёндашувлар бир қатор маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган. Л.П.Максакованинг фикрича, меҳнат мигрантлари мамлакатга нафақат пул ўтказларини юборади балки, улар хорижий мамлакатларда замонавий билимларни ўрганиб, тажриба ва малакаларини бойитиб қайтади [11].

Р.А.Убайдуллаева [19] ва О.Б.Ата-Мирзаевлар [7] ўзларининг илмий-тадқиқотларида меҳнат миграциясининг моҳияти, уни келтириб чиқарувчи сабаблар кенг ўрганилган.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб олинган чора-тадбирлар ижроси натижасида давлатнинг миграцияга, хусусан, меҳнат мигрантларига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Шу сабабдан ҳам сўнги йилларда ўзбекистонлик олимларнинг миграция соҳасида олиб борган тадқиқот ишларининг кўлами анчайин кенгайганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Э.Мухитдинов, Д.Исроилова, Ш.Исакуловлар ташқи меҳнат миграциясининг иқтисодий жиҳатларини, Ш.Ишанхўджаев, Д.Мўйдинов, Л.Исоқовлар миграциянинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини, Ф.Парманов, Н.Имомова, Х.Абдусаматовлар эса миграциянинг ижтимоий жиҳатларини ўз диссертацияларида очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Мавзуни тадқиқ этишда қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни таққослаш каби усулларидан фойдаланилди.

**Муҳокама ва натижалар.** Миграция сабабларини биринчи марта назарий жиҳатдан изоҳлаш, одатда, инглиз олими Е.Равенштейн номи билан боғланади. У XIX асрнинг иккинчи ярмида 11 асосга эга бўлган “миграция қонунлари” назариясини таклиф қилган. Унга кўра, мигрантлар бир худудни чекланган имкониятлар билан тарк этиб, бошқа минтақаларга катта имкониятлар билан жойлашиб оладилар. Янги жойларни танлашда масофа катта рол ўйнайди, чунки мигрантлар яқинроқ масофаларга жойлашишни ҳохлайдилар. Қишлоқ-шаҳар миграциясининг ҳар бир оқими қишлоқ жойларига қарама-қарши миграция оқимини вужудга келтиради, миграциянинг энг муҳим омили иқтисодий омилдир, миграция оқимлари бир қадар ривожланган иқтисодий худудлар томон интилишини исботлади [1; Б.167-227.].

Е.Равенштейннинг назариясига кўра, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кам ҳаракатдадир. Шунингдек, транспорт ва аълоқа воситаларининг ривожланиши, савдонинг кенгайиши ва саноатнинг ўсиши ҳам миграцияни кучайтиради.

Ўтган асрнинг охирларидан буён бу қонунлар тадқиқотчилар томонидан кўп марта текширилди ва уларга тузатишлар киритилди. Миграция оқимлари йўналишини белгиловчи омилларни тадқиқ этишга бағишланган назарияларни таҳлил қилиш меҳнат миграцияси асосларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг миграцияси иқтисодий, демографик, ижтимоий, сиёсий табиатга эга бўлган чиқариш ва қабул қилиш омилларининг йиғиндисидан иборат, деган кенг тарқалган ғоя катта баҳсга сабаб бўлди. Ушбу ёндашувга франциялик олим Е.Лиининг XX асрнинг 60-йилларда яратган назарияси асос қилиб олинган [3; Б.165.], унга кўра иқтисодий, демографик, ижтимоий характерга эга бўлган “тортувчи” ва “сурувчи” омиллар аҳоли миграциясига сабаб бўлади. Унинг фикрига кўра, донор давлатлардаги ноқулай ижтимоий-иқтисодий, экологик вазиятнинг мавжудлиги “сурувчи”, мигрантларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши, кафолатланган ижтимоий ҳимоя тизимининг мавжудлиги эса “тортувчи” омилларга сабаб бўлади.

Миграция жараёнларини икки хил категория асосида таҳлил қилиш кенг тарқалган усуллардан биридир. А.Ричмонд миграция жараёнларини икки хил категорияга, проактив ва реактив шаклларга ажратган. Унинг фикрича, мигрантларнинг танлов эркинлигининг бир қанча даражаси мавжуд ва миграциянинг сиёсий ва иқтисодий сабаблари орасидаги фарқ аниқ эмас [5; Б.24.]. Шу сабабли, у миграцияга сабаб бўлувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни проактив, мажбурий миграцияни эса реактив кўринишга ажратган.

Бу усул С.Кастлес ва М.Миллернинг тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Улар миграция жараёнларига сабаб бўлувчи омилларни “жозибатор” ва “жозибасиз” кўринишга ажратган [1; Б.34.]. Унга кўра, мамлакатдаги демографик босим, ижтимоий-иқтисодий қолюқлик ва сиёсий босимлар одатда “жозибасиз” омиллар қаторига киритган. Мигрантларни қабул қилувчи мамлакатлардаги ишчи кучига бўлган талабнинг юқорилиги, яхши ижтимоий-иқтисодий имкониятлар ва сиёсий эркинлик каби эса “жозибатор” омиллар сифатида келтириб ўтилган.

Миграция соҳасида олиб борилган тадқиқотларда миграциянинг келиб чиқиш сабаблари ўта жиддий ва муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Миграциянинг келиб

чиқиш сабабларини шакллантирган назариялар макро ва микро шаклда таснифланмоқда. Мисол учун, иқтисодий назарияларда миграция одатда халқаро меҳнат миграцияси асосида таҳлил қилинади. Иш ҳақи ва мамлакатлар орасида иш топиш бозоридаги фарқлар халқаро миграциянинг асосий омиллари сифатида белгиланади. Мигрантлар учун ўз мамлакатларида иш топишнинг қийинлиги ҳамда иш ҳақининг камлиги, иш топиш учун имкониятлари кенг ва меҳнатга юқори ҳақ тўловчи давлатларга кетиш сабаблари миграция борасидаги классик иқтисодий ёндашувдир. Ж.Харрис ва М.Тодароларнинг фикрича гап иш ҳақидаги фарқда эмас, балки бу ишчининг ўзида қолувчи даромадда [2; Б.128.].

В.А.Ионцев миграциясини бошқаришда учта рақобатдош мақсад доимий равишда тўқнаш келишини таъкидлаб ўтган. Биринчи мақсад мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари устуворлиги, иккинчи мақсад мамлакатнинг миллий хавфсизлик масалаларини биринчи ўринга қўйиш, учинчи мақсад эса, инсонпарварлик тамойилларига асосланган ёндашув [13; Б.22.]. Ушбу фикр ҳам миграция жараёнларининг нақадар мураккаб жараён эканлигининг исботидир.

В.В.Покшишевский миграция хусусиятлари ҳақида гапирганда, энг аввало, миграциянинг икки турини – ихтиёрий ва мажбурий миграцияларни фарқлашни таклиф этган [16; Б.17.].

1) Ихтиёрий миграция. Миграциянинг бу тури шахснинг ташқи босимсиз миграция қарорини қабул қилишини назарда тутлади. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар миграция тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилади ва янги жойга кўчиш мустақил равишда амалга оширилади. Ихтиёрий мигрантларга меҳнат мигрантлари, реемигрантлар (репатриантлар) ва бошқа тоифадаги фуқаролар киради.

2) Мажбурий миграция. Мажбурий миграция деганда одамларни таҳдид, босим ёки давлат буйруғи билан амалга оширилган ва у томонидан ташкил этилган мажбурий кўчириш тушунилади. Бу турдаги миграцияга мисол қилиб, мажбуран депортация қилиш, бошқа мамлакат ёки минтақага олиб чиқиш, қайта жойлаштириш, сургун қилиш мумкин.

Шунингдек, мажбурий миграция - бу шахснинг ўз ихтиёри билан, лекин ўз хоҳишига қарши бошпана излаш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, бирор киши ўз яшаш жойини тарк этишга мажбур эканлигини тушунади, чунки ундан бошқа сабабларга кўра кейинги қолиш мумкин эмас. Кўчиришнинг сабаблари ҳарбий, сиёсий воқеалар, этник ва диний таъқиблар, табиий офатлар бўлиши мумкин.

Аҳоли миграцияси мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатади. Миграция функциялари орқали эса ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин. Л.Л.Рибакковский миграциянинг учта энг муҳим 3 та функциясини ажратиб кўрсатган [18; Б.23.].

1) Қайта тақсимлаш функцияси – Бу ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакатнинг алоҳида ҳудудлари ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ. Бу функциянинг аҳамияти шундаки, у ҳудудлараро хусусиятга эга ва бу камида иккита минтақа аҳолисининг ўзаро таъсирини талаб қилади. Аҳолининг қайта тақсимланиши алоҳида ҳудудлар аҳолисини кўпайтиради ёки аксинча, камайтиради. Мигрантларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши одатда маълум шароитлар туфайли юзага келади, шунинг учун бу функция

кўпинча одамлар ҳаётини яхшилашга ёрдам беради. Демак, бу жараён мигрант аҳолининг турмуш даражасини яхшилайдди.

2) Селектив функцияси – Унинг маъноси шундан иборатки, турли ижтимоий-демографик гуруҳларнинг миграцияда доимий бўлмаган иштироки турли ҳудудларда аҳолининг сифат таркибининг ўзгаришига олиб келади. Кўриниб турибдики, эркаклар ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар миграцияда ногиронлар ва аёлларга қараганда анча фаол иштирок этадилар.

3) Тезлаштирувчи функцияси – Одамларнинг ҳудудий ҳаракати уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларининг ўзгаришига, шахс ривожланишининг чуқурлашишига (билимлар тўпланиши, меҳнат кўникмалари ва ишлаб чиқариш тажрибаси алмашинуви мавжуд) ва унинг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларининг ўзгаришига олиб келади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миграция аҳолининг ривожланишига олиб келади.

Юқоридаги миграция функцияларини умумий деб аташ мумкин. Бир томондан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор, иккинчидан, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, миграциянинг моҳияти турли хил миграция ҳаракатларида ётади, улар ўз навбатида функциялар орқали очилади.

Миграция аҳолининг ҳудудий ҳаракати сифатида турли хил характерга эга бўлиши ва бир қатор ҳодисаларнинг натижаси бўлиши мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада тадқиқот олиб борилган илмий изланишларни умумлаштирган ҳолда миграцияни қуйидаги мезонлар асосида таснифлаш мумкин [17; Б.15.].

Миграция ҳудудий аҳамиятига кўра ташқи (халқаро) ва ички миграцияга ажратилади:

1) Ташқи миграция давлат чегарасини кесиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, эмиграция, иммиграция, реемиграция ва репатриация каби атамаларни ўз таркибига олади.

*Эмиграция* – доимий ёки вақтинчалик яшаш учун бошқа мамлакатга кўчиб ўтишни англатади, бу кўпинча фуқароликни олиш билан боғлиқ.

*Иммиграция* – бошқа давлат фуқароларининг доимий ёки вақтинчалик яшаш учун мамлакатга киришини назарда тутаяди, аксарият ҳолларда янги фуқароликни олиш билан боғлиқ.

*Реемиграция* – деганда шахснинг бир вақтлар чиқиб кетган мамлакатга қайтиши тушунилади.

*Репатриация* – бу шахснинг ўз этник ватанига қайтиши. Этник ватан деганда инсон ўзини таништирадиган, яъни келиб чиқишини у билан боғлайдиган халқ яшайдиган мамлакат тушунилади [17; Б.15.].

2) Ички миграция эса бир мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ўртасидаги ҳаракат бўлиб, унинг икки йўналишга бўлиш мумкин.

*Қишлоқ миграцияси* – аҳолининг доимий ёки вақтинча яшаш учун қишлоқдан шаҳарга ёки бир қишлоқдан бошқасига кўчиши тушунилади.

*Шаҳар миграцияси* – бир шаҳардан иккинчи шаҳарга доимий ёки вақтинча кўчиб ўтиш ёки шаҳарлардан қишлоқ жойларга кўчиш тушунилади.

Вақт давомийлигига кўра миграцияни икки турга: қайтмайдиган (доимий) ва вақтинчалик (қайтадиган) миграцияга бўлиш мумкин. Қайтмайдиган миграцияда

мигрант доимий яшаш жойини ўзгартиради ва ортга қайтмайди. Вақтинчалик миграция эса зарурат билан боғлиқ бўлиб, шахснинг доимий бўлган аввалги яшаш жойига қайтишини назарда тутаяди [14; Б.68.].

Шунингдек, вақтинчалик миграция давомийлик хусусиятига кўра қисқа муддатли (бир йилгача) ёки узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Шахснинг миграция қарорига келиш (мотив) сабларига кўра, ихтиёрий ёки мажбурий миграцияга ажратиш мумкин. Ихтиёрий миграция шахснинг ташқи босимсиз миграция қарорини қабул қилишини назарда тутса, мажбурий миграция эса таҳдид, босим ёки давлат аралашуви таъсиридаги мажбурий кўчиришдир. Шунингдек, мажбурий миграция - бу одамларнинг ўз ихтиёри билан, лекин ўз хоҳишига қарши ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, ҳарбий низолар, сиёсий, этник, диний таъқиблар ёки табиий офатлар таъсирида бундай қарорга келинади.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, этник, диний, ҳарбий, экологик омиллар аксарият ҳолатларда аҳоли миграциясига сабаб бўлади. Шунингдек, миграциянинг ижтимоий-иқтисодий омиллари аксарият ҳолатларда ихтиёрий миграцияни рағбатлантирса, сиёсий, этник, диний, ҳарбий, экологик омиллар эса мажбурий миграцияни юзага келтиради.

Миграцияни амалга ошириш усули ва миграция жараёнларини назорат қилиш даражасига кўра миграциянинг икки тури мавжуд. Ташкиллаштирилган – давлатнинг ваколатли идоралари томонидан амалга оширилади. Ташкиллаштирилмаган миграция эса мигрантларнинг ўз кучлари ва воситачилар орқали амалга оширилади.

Мигрантларнинг ҳуқуқий мақомига кўра, миграция жараёнлари қонуний ёки ноқонуний ҳарактерга эга бўлиши мумкин. Қонуний миграция жараёнида жисмоний шахслар давлат чегараларини қонуний кесиб ўтади. Ноқонуний миграция эса давлат чегараларини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракат ҳисобланади. Бунда баъзан одамлар чегарани қонуний равишда кесиб ўтиши мумкин, лекин ўша давлатда қолиш қонунчилигини бузади. Шундай қилиб, ноқонуний миграциянинг учта кўриниши мавжуд: давлат чегараларини ноқонуний кесиб ўтиш; чегарани қонуний кесиб ўтиш, лекин қонуний асосларда мамлакатда бўлиш қоидаларин бузиш; қолиш мақсадларининг мамлакатга киришда эълон қилган мақсадларига мос келмаслиги (масалан, шахс ўқиш учун келган, лекин савдо ёки меҳнат билан шуғулланади).

Шундай қилиб, ягона объект - аҳоли миграциясини иқтисодчилар, демографлар, социологлар, сиёсатчилар ва ҳуқуқшунослар турли ҳил функционал боғлиқликда тадқиқ этишади. Масалан иқтисодчи олим, О.Д.Воробьев аҳолининг ички ва ташқи маъмурий-ҳудудий бирликларни кесиб ўтиш орқали доимий яшаш жойини ўзгартириш ёки таълим олиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида амалга оширилган ҳар қандай маъмурий-ҳудудий кўчишни миграция деб атаган бўлса [8; Б.35.], социолог олим, Ф.Пармановнинг фикрига кўра камида бир йил ёки ундан кўпроқ ўз ватанидан ташқарида бўлган киши мигрант ҳисобланади [15; Б.18.].

Ўзбекистонлик олима снинг фикрича, “меҳнат ресурслари тақчил бўлган ҳудудларда ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш учун уни ташкиллаштирилган ҳолда жўнатишга доир замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш меҳнат миграцияси цивилизациянинг реал стратегияларидан бири ҳисобланади [12; Б.102.].

Шунингдек, Л.П.Максакованинг фикрича, мигрант ишчилар хориж корхоналарида ишни ташкил этиш, уни бошқариш, бозор иқтисодиётида унумли меҳнат қилиш ва тегишли замонавий билимларни ўрганиб, тажриба ва малакаларини бойитиб қайтади ҳамда ишчи кучини экспорт қилиш республика валюта тушумларининг сезиларли манбаи бўлиб қолади ва натижада ушбу даромад ҳисобига янги иш жойлари барпо этиш имконияти ортади [2; Б.128.].

О.Б.Ата-Мирзаев мамлакатимиз ёшларининг қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан узоқ хорижий давлатларга вақтинчалик бориб келиш тенденцияси ўсаётганлигини таъкидлаган [7; Б.28.]. Бу тенденциянинг ўсиб боришини аввало, даромад топиш мақсадида, кейин эса билим олиш ва тажриба алмашиш эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Р.А.Убайдуллаеванинг илмий-тадқиқотларида меҳнат миграциясининг моҳияти, уни келтириб чиқарувчи сабаблар, унинг аҳамияти, афзалликлари ҳамда уни халқаро тажриба асосида ташкил қилиш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган [19].

Мустақилликнинг чорак асри давомида меҳнат миграциясини тартибга солиш, уни давлат томонидан назорат қилиш, миграция қонунчилигини халқаро андозаларга мослаштириш ва миграция соҳасида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш масалаларига етарли даражада эътибор берилмади.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирда дунёни ташвишга солаётган миграция муаммосининг аянчли оқибатларга сабаб бўлаётгани ҳеч биримиз учун сир эмас. Юқорида таъкидланганидек, миграция ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараён ҳисобланади. Мазкур ҳодиса донор ва реципиент давлатларнинг ҳар иккиси учун ҳам бир қатор ижобий жиҳатлар билан биргаликда кўп сонли муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат фуқароларининг нечоғли миграцион жараёнларга жалб этилганлиги, унинг оқибатларининг чуқурлашувида акс этади. Масалан, миграция оиланинг моддий аҳволи яхшиласа-да, ота-оналарнинг бири ёки ҳар иккисининг қаровисиз юртида қолган фарзандлар тарбиясини тўлақонли ташкил этиш имкони камаяди. Шунингдек, айрим ҳолатларда муқаддас бўлган оилавий никоҳ муносабатларнинг издан чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Миграция муаммосининг ўзига хос жиҳати шундаки, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади ва ўзининг кенг қамровли таъсирини намоён этади. Шунга қўра, мавжуд муаммонинг келиб чиқиши ва уни ҳал этиш борасидаги илмий ёндашувлардан ҳеч бирини универсал танлов сифатида олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мавжуд ёндашувлардан комплекс тарзда фойдаланиш бу борада энг самарали йўл ҳисобланади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Castles Stephen and Miller Mark J. The Age of Migration: International Population Movements in the Modern World. Third Edition, London: Macmillan, 2003. – P. 21-49.
2. Harris J. and Todaro M. "Migration, Unemployment and Development: A Two-Sector Analysis", American Economic Review 60 (1), 1970. – P. 126-142.
3. Lee E.A. Theoru of Migration // Demographu. 1996. №3. – P. 165.
4. Ravenstein E. The Laws of Migration // Journal of the Statistical Society of London, №2 (Jun., 1885), – P. 167-227.



5. Richmond Anthony H., Reactive Migration: Sociological Perspectives On Refugee Movements. Journal of Refugee Studies, Volume 6, Issue 1, 1 January 1993. P. 7-24
6. World migration report 2022. – P. 540. <https://publications.iom.int/books/world-migration-report-2022>
7. Ата-Мирзаев О. Потенциал сельско-городской миграции молодежи в Узбекистане. М.: – 1999. – С. 28.
8. Воробьева О.Д. Миграционные процессы населения: вопросы теории и государственной миграционной политики // Аналитический сборник, 2003. – № 9. (202). – С. 35.
9. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. М. 1999. – С 19.
10. Исоқов Л.Х. Миграция ҳуқуқи: шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари. Илмий монография. – Тошкент: “EFFECT-D”, 2022. – Б. 9.
11. Максакова Л.П. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. Т. :Брейд-Стайл. – 2002. – С.136.
12. Максакова Л.П. Узбекистан: Совершенствование управления трудовой миграцией в аспектах принимающих стран. Сборник международной конференции «V Уральский демографический форум». – Екатеринбург 2014. – С. 105.
13. Международная миграция населения: вызовы глобализации. Выпуск 24 // Гл. ред. серии В.А. Ионцев. – М.: ТЕИС, 2011. – С. 100.
14. Назарова Е.А. Особенности миграции // Социологические исследования. 2000. № 7. – С. 109-111.
15. Парманов Ф., Тўраев Ш., Даминов И., Тоғаев Ш. Миграция: Мусофир ватангадолар // Монография. “Sanostandart”. Тошкент, 2015.
16. Покшишевский В.В. Миграция населения (вопросы теории). М.: 2003. – С. 17.
17. Пухова М.М., Дорошина И.П., Ходжаева И.Г. Теоретические основы миграции // Transport business in Russia. № 6. 2013. – С.13-16.
18. Рыбаковский Л.Л. Практическая демография. Гл.6. - М.: ЦСИ, 2005. – С. 203.
19. Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. Т.: 2009. – С. 14–23.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд (Е-М). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 10 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).